

Ю 25225  
091

Ю 25225  
091



# ТИЛ - ДАРЁ



Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1999

25225

10 0 | 2000-24 g1

Tur - gapē,

-T: | +999 600

2000-24 g1

# ТИЛ — ДАРЁ

Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1999

Тўпловчилар:  
Азим Суюн  
Алимқул Султон

Муҳаррир:  
Назира Жўраева

**Тил-дарё**//Тўпловчилар: А. Суюн, А. Султон.—  
Т.:Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1999.  
24 б.


І. Суюн А., ҳаммуаллиф.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми бериш ҳақидаги Қонун қабул қилинганига шу йил 21 октябрда ўн йил тўлади. Ўз она тилимизда давлатни идора қилиш, эркин гаплашиш ва ижод қилиш Истиқлол меваси, албатта.

Ушбу рисолада давр, ҳаёт талабини инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси ҳукумат тил комиссияси ва Олий Мажлис тасдиқлаган ва оммавий ахборот воситаларига тавсия этилган, шунингдек, Атамашунослик қўмитаси кўригидан ўтиб, илмий луғатга кирган байналмилал терминлар, ўзлашма атамалар рўйхати эълон қилинган.

Ўйлаймизки, қўлингиздаги китобча Сизга соф тилимиз, терминлар орқали маънавий-маърифий озуқа беради.

ББКя2



10 25225  
091

470000000 - 51  
Т — қатъий буюртма, 99  
М352(04) - 99

ISBN 5-635-01773-8

© Фафур Фулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999 й.

## ТИЛ — ДАРЁ, ДАРЁМИЗНИ АСРАЙЛИК

Шу йил октябр ойида халқимиз Она тилимизга Давлат тили мақоми бериш ҳақидаги Қонун қабул қилинган куннинг ўн йиллигини нишонлайди. Бу қутлуғ санани катта ифтихор ва қувонч билан байрам қилади. Чунки, аслини олганда, ҳар қандай истиқлол тил озодлигидан бошланади. Ўз тилида давлатни идора қилиш, эркин гаплашиш, куйлаш ва ижод қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳеч бир халқ истиқлолга чиқдим дея олмайди. Шу маънода она тилимизга давлат тили мақоми берилган кунни истиқлол ва мустақилликка эришиш йўлида қўйилган энг дадил ва энг шарафли қадам дейишга ҳақлимиз. Албатта бугун, она тилимиз кундалик ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллаб, ўз мавқеи, обрў ва эътиборига эришган бир вазиятда бу иш осонгина кечгандек, Давлат тили ҳақидаги қонун осонгина қабул қилингандек туюлади. Ҳолбуки, ўша воқеалар гувоҳи бўлган биздай кўпни кўрган зиёлилар халқимиз кўксини тоғдек кўтарган бу қонунни қабул қилиш жараёни осон кечмаганининг шоҳидимиз. Бу ҳақда ўйлар эканмиз, Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганда собиқ шўролар ҳукумати ҳали барҳаёт эканини, собиқ компартия ҳали отдан тушмаганини унутмаслигимиз даркор. Бинобарин, собиқ совет империясининг тил сиёсатига зид бўлган, аммо халқимиз асрлар давомида орзу қилган бу қонунни қабул қилишни ўз зиммасига олишга журъат этувчи улкан шахс, мард ва жонкуяр раҳбар лозим эди. Эндиликда ҳаммамиз биламиз, бу жасорат ва масъулиятни ўша кунлар юртимизга биринчи раҳбар бўлиб сайланган, ҳозирги Президентимиз Ислом Каримов ўз зиммасига олганди.

Халқимиз Ислом Каримовнинг бу улуғ ишини ҳеч қачон унутмайди, у кишининг исми ва ишлари тарихимиз саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилади. Бу қонуннинг яна бир сўнмас аҳамияти шундаки, у қоғозда қолиб кетмади, қандай дадил қабул қилинган бўлса, шундай дадиллик билан ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этила бошлади. Юртбошимиз ўзлари ҳамма анжуман ва мажлисларда ўзбек тилида гапириб ибрат кўрсатишлари оқибатида она тилимиз ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари, барча вазирлик ва идораларида ўзига муносиб, мустаҳкам ва устувор ўрин эгаллади.

Нафақат мажлислар, конференциялар, балки идоравий иш юритиш ва ёзишмаларни ҳам ўзбек тилига ўтказиш жараёни амалга оширилаяпти. Айни замонда — Она тилимизга Давлат тили мақоми берилган дастлабки йилларда, қалбларимизни чулғаб олган улуғ шодлик пайтида, бирмунча чалкашликлар рўй берди, жумладан, собиқ империя даврида тилимизга кириб қолган барча рус сўзларидан (бу ҳолларда байналмилал, яъни, ўзлашма сўзларни ҳам рус сўзлари деб тушунган вақтларимиз ҳам бўлди) тозалаш ҳаракатлари авж олди. Ўзлашма атамаларнинг ўрнини босадиган муқобил сўзларни ўз тилимиздан топишга, жиллакурса араб ва форс тилларидан олишга интилиш кайфияти ўса бошлади. Бу салбий жараён ҳар бир тилнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлмиш атамашунослик борасида айниқса яққол кўзга ташланди. Ўша пайтлари оммавий ахборот воситаларида **аэропорт** ўрнига **тайёрагоҳ**, **самолёт** ўрнига **тайёра**, **газета** ўрнига **рўнома**, **журнал** ўрнига **мажалла**, **ойбитик** каби атамалар хурж қила бошлади. Тезда бу ҳаракат тилимизни боши берк кўчага олиб кириши аён бўлди. Оқибатда ҳукумат ҳузурда Атамашунослик қўмитасини тузиш зарурияти туғилди. Атамашунослик қўмитаси тавсиялари илмий жамоатчилик назаридан ўтиши, унинг илмий асосларга таяниши лозимлиги уқтирилди. Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси комиссияси тузилди. Таниқли олимлар, ёзувчилар, тилшунос ва ҳуқуқшунослардан иборат комиссия аъзолари амалиётга жорий этилиши зарур бўлган ҳар бир атамани атрофлича муҳокама қилиб, шундан кейингина улар-

ни матбуотда эълон қилиш тартибини ўрнатди (Тил қонунининг кейинги таҳририда бу вазифа Олий Мажлиснинг фан, таълим, маданият ва спорт қўмитасига юклатилган.) Бу тартибга барча ахборот воситалари амал қилиши шартлиги алоҳида таъкидланди. Бу саъй-ҳаракатлар маълум даражада ўз самарасини берди ҳам. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Атамашунослик қўмитаси ҳам, Давлат ва Олий Мажлис комиссиялари ҳам ҳеч қачон барча ўзлашма (байналмилал) атамаларни ўз ҳолича қолдиришни тавсия этган эмас. Билъакс, уларнинг маъноларини тўла бера оладиган муқобилларини ўз тилимиздан олиш, бунинг учун эса тилимиз бойлигидан бутун тўлалигича фойдаланиш — ишимизнинг бош йўналиши.

Ҳозирча амалиётга жорий этилган юзлаб атамалар (**област — вилоят, район — туман, гимн — мадҳия, министр — вазир, адрес — манзил, аппарат — девон, приватизация — хусусийлаштириш, либерализация — эркинлаштириш** ва ҳоказо) тилимизда қўлланмоқда. Бу ерда гап ўзлашма атамаларнинг тўла маъносини беролмаса ҳам уларни албатта ўз тилимиздан топишимиз лозим, деган фикрларга қўшилиб бўлмаслиги ҳақида кетяпти, холос. Чунки бу қарашлар бизни **паровозни — оташ арава, тракторни — ўтомоч, велосипедни — шайтон арава** деган йигирманчи йиллар охиридаги хатоларга, яъни, олдинга эмас, орқага чорлайди, холос. Биз ҳатто ўзлашма (байналмилал) атамаларни форс ва араб тилларидан олишга (агар улар сунъий ясалмаган бўлса, халқимизга тушунарли ва табиий бўлса) сира қарши эмасмиз. Ахир биз сўнгги йилларда империя даврида тилимиздан чиқарилган **муҳаррир, таҳрир, ҳайъат, муаллиф, адлия** каби кўплаб араб ва форс сўзларни қайта тикладик-ку. Биз араб ва форс тилларини ҳазрат Навоий ва Бобур, Лутфий ва Саккокий, Яссавий ва Машраб каби улуғ боболаримиз ҳурмат қилганларини, ўз ижодларида бу тиллардан кенг фойдаланганларини, зотан, бу тиллардан табиий равишда кириб келган жуда кўплаб сўзлар тилимизни фақат бойитганини яхши билемиз. Аммо бугунги кунда қилинаётган сунъий уринишларга қўшила олмаймиз, холос. Ахир баъзи тушпа-тузук олимларимизнинг: «Ўз тилимизда «салями» сўзи туриб

нега «фючерс битими», деймиз, нега «қалам» деган сўзимиз туриб, ҳамон «ручка» сўзини ишлатамиз, дея баланд минбарлардан туриб айтган фикрларига қандай қўшилиш мумкин. Яқинда бу алломалардан бири яна ўша юксак минбардан: «Тилимизда «муштбоз» ва «муштбозлик» деган сўзларимиз турганда нега «бокс» сўзини ишлатаяпмиз, Атамашунослик кўмитаси қаёққа қараяпти?» дея халққа қараб мурожаат қилдилар. Наҳот, бу олимимиз муштбозлик ҳақиқий куч синаш эмас, безориларнинг қонун-қоидасиз, муштлашиши эканини тушунмаса, «бокс» эса куч синашнинг маданий шакли, жаҳон қабул қилган спортга оид термин эканини англамаса?

Бутун, мустақил мамлакатимиз, юртбошимиз айтганларидек, буюк давлат қуришдек олижаноб мақсад йўлида жаҳоннинг энг илғор давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаётган бир вазиятда, бутун дунё қабул қилган атамаларни рад этиб, уларнинг маъносини тўлиқ ифода этолмайдиган атамалар «яратиш» йўлидаги уринишлар, йирик иқтисодчи олимларимиз тили билан айтганда, бесамар бир ишдир. Фикримизча, биз суюкли она тилимиз ва унинг беқиёс бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда, давр талаби билан кириб келаётган байналмилал атамалардан меҳрни бузмасдан оқилона фойдалансак, тилимиз бойлигига бойлик қўшилади, холос. Чунки бутун, инсоният учинчи минг йиллик арафасида турган бир вақтда, ҳеч бир тил фақат ўз қобиғида ўралиб қололмайди. Бу давр, ҳаёт ва цивилизация талаби. Бу талабни инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик кўмитаси ҳукумат тил комиссияси ва Олий Мажлис кўмитаси тасдиқлаган ва оммавий ахборот воситаларига тавсия этилган, шунингдек, Атамашунослик кўмитаси кўригидан ўтиб, илмий луғатга кирган байналмилал терминлар, ўзлашма атамалар рўйхатини ва ўзлашма аталамаларга топилган ва тасдиқдан ўтган энг муҳим ўзбекча муқобилларининг айримларини яна бир бор эълон қилишни лозим топди. Ўйлаймизки, «А» ҳарфидан бошланадиган бу рўйхат оммавий ахборот воситаларида йўл қўйилаётган чалкашлик ва ҳар хилликларга (бадий адабиёт бундан мустасно, албатта) чек қўяди ва тилимиз равнақига хизмат қилади.



Лекин, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, терминлар, айниқса, ўзлашма атамалар бўйича газетада берилган тавсияларнинг ҳаммасини ҳам охириг қатъий ҳулоса дейишдан йироқмиз. Уларнинг баъзиларига вақтлар ўтиши билан ўзбекча муқобил топилиши мумкин бўлар. Ана шундай муқобиллар топилса ва уларни жамоатчилик маъқулласа, уларнинг қабул қилинишига ҳеч ким монелик қилолмайди. Шунингдек, берилган рўйхатда баъзи ўзлашмаларнинг ўзбекча варианты ҳам келтирилган. Улар ҳам келажакда ўзлашма термин англатган маънони ифодалаб, унинг ўрнига ишлатилиб кетиши мумкин.

Тил — оби ҳаёт бағишловчи дарё. Дарёмизни кўз қорачигимиздек асрайлик.

*Одил ЁҚУБОВ,  
Атамашунослик қўмитаси раиси,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик.*

## ЎЗБЕКЧА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

(тиллардаги манба маъноси)

**Абитуриент** — **Абитуриент** (лотинча *abiturientis (abiturients)* — кетмоқчи бўлган киши). Баъзиларнинг бу терминни «таҳсилталаб» сўзи билан алмаштириш керак деган тавсияси тўғри эмас.

**Абонемент** — **Абонемент** (французча *abonnement* — бирор нарсадан муайян вақтда фойдаланиш ҳуқуқи. Масалан, кутубхона абонементи). Баъзан бу сўз обуна тарзида берилади. Бироқ обуна «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да газета-журналларга олдиндан ҳақ тўлаб ёзилиш деб изоҳланган.

**Аборт** — **Аборт**, ҳомилани олдириш (лотинча *abortus* — бола ташлаш). Тиббий адабиётда асосан аборт тарзида қўлланади.

**Абсентеизм** — **Абсентеизм**, бош тортиш (лотинча *absens (absentis)* — қатнашмаётган). Адабиётларда, луғатларда ҳар икки муқобил ҳам ишлатилади.

**Авизо** — **Авизо** (итальянча *avviso* — билдириш). Молия-банк соҳасида кўп ишлатиладиган термин. Уни «хабарнома» деб бериб бўлмайди.

**Авторитаризм** — **Авторитаризм** (лотинча *austoritas* — ҳокимият, таъсир). Бу сўзнинг баъзан «якка ҳукмрон» шаклида берилиши термин англатган маънони тўла ифодамайди.

**Автобиография** — **Таржимаи ҳол**.

**Автор** — **Муаллиф**.

**Автограф** — **Дастхат**.

**Автономия** — **Мухторият**.

**Автотранспорт** — **Автотранспорт** (يونонча *avtos* — ўзи, лотинча *transportare* — кўчмоқ, ташимоқ). Баъзилар «автоулов» деб

нотўғри ишлатмоқда. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «улов» — миниб юриладиган ҳайвон деб изоҳланган.

**Аграр — Аграр** (лотинча agrarius — ерга оид). Бу сўзни «деҳқончилик» сўзи билан алмаштириш керак, деган тавсия нотўғри.

**Агрессия — Агрессия**, тажовуз (лотинча aggressio — хуруж, хужум). Ҳозирги пайтда иккала муқобил ишлатиб келинмоқда.

**Агроном — Агроном** (юнонча agros — дала, pomos — қонун). Бу терминнинг баъзан «ҳосилот» тарзида қўлланиши «агроном» англатган маъно — олий маълумотли қишлоқ хўжалик мутахассиси маъносини бера олмайди.

**Акциз — Акциз** (лотинча accidere — кесмоқ). Бу терминнинг баъзи манбаларда «эгри солиқ» тарзида қўлланиши нотўғри.

**Аэропорт — Аэропорт** (юнонча aeg — ҳаво, французча port — турадиган жой). Бу сўзнинг «тайёрагоҳ» тарзида ишлатилиши нотўғри.

**Авария — 1. Авария** (арабча «авар» — зарар, талафот, бузилиш). Машина, самолёт, кемаларнинг тўсатдан ишдан чиқиши.

**2. Ҳалокат** (йўл-транспорт ҳодисаси, бахтсиз ҳодиса).

**Автомобиль — Автомобиль** (юнонча (avto — ўзи лотинча mobilis — ҳаракатланадиган). Бу сўзга ўзбекча муқобил излаш самара бермайди. Автомобиль — улов эмас.

**Агент — 1. Вакил** (муайян ташкилот, муассаса ва ҳоказоларнинг тошшириқларини бажарувчи). **2. Агент** (лотинча agens — ҳаракат қилувчи). Қидирув ёки разведка хизмати ходими.

**Адвокат — Адвокат** (лот. Advocatus — таклиф қиламан). Бу термин ўзбекчада оқловчи, ҳимоячи тарзида ҳам ишлатилади. Бироқ улар адвокат маъносини тўлиқ бера олмайди.

**Администрация — Маъмурият.**

**Адрес — Манзил.** Бу атаманинг «манзилгоҳ» тарзида қўлланиши нотўғри. «Гоҳ» қўшимчаси ҳам жой маъносини англатади.

**Адресант — Юборувчи.**

**Адресат — Олувчи.**

**Академия — Академия** (юнонча Akademia — Афлотун (Платон) томонидан Афина яқинида асос солинган ва афсонавий

қахрамон Академ номи билан аталган фалсафа мактаби). Академияни «Байтул ҳикма» деб тавсия қилганлар ҳам бор. Бироқ у Академия маъносини умуман бера олмайди.

**Аккредитация** — **Аккредитациялаш** (лотинча *accredere* — ишониш). Бу терминни «рўйхатдан ўтган» тарзида бериш нотўғри.

**Акт** — **1. Далолатнома**, акт (лотинча *actum* — ҳужжат, *actus* — ҳаракат). Юридик аҳамиятга эга ҳужжат.

**2. Ҳаракат.** Акт термини аслида 2 маънога эга. Иккинчи маънода ишлатилганда «ҳаракат» деб берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Актив** — **1. Фаол** (ташкilot, жамоа фаоллари). **2. Актив** (лотинча *activus* — фаол, ҳаракатчан). Бухгалтерлик баланснинг бир қисми — актив, иккинчи қисми *пассив* дейилади.

Демак, бу термин ҳам аслида 2 маънони англатади ва ўзбек тилида 2 термин билан ифодаланади.

**Акция** — **1. Акция** (французча *action* — қимматли қоғоз, лотинча *actio* — ҳаракат).

**2. Ҳаракат** (масалан, русчада «акции протеста» — ўзбекчада «норозилик ҳаракати»). Акция сўзи ҳам аслида 2 маънога эга.

**Акционер** — **Акциядор** (акция сўздан ясалган), ҳиссадор. Ҳозирги пайтда акциядорга муқобил тарзида ҳиссадор сўзи ҳам кенг қўлланиб келмоқда. (Масалан, акциядорлар жамияти — ҳиссадорлар жамияти).

**Алимент** — **Алимент** (лотинча *alimentum* — қарамоғидаги, боқимидаги). Бу сўзнинг «нафақа» тарзида ишлатилиши тўғри эмас.

**Альтернатив** — **Муқобил.**

**Амнистия** — **Амнистия** (юнонча *amnestia* — кечириш, афв этиш). Бу сўзнинг адабиётларда (тарихий) афв умумий варианты ҳам бор.

**Аппарат** — **1. Девон** (Президент девони).

**2. Аппарат** (лотинча *apparatus* — ускуна). Техника соҳасида ишлатилади.

**Апелляция** — **1. Апелляция** (*appellatio* — мурожаат, шикоят). Апелляция суди, апелляция комиссияси.

**2. Шикоят** (қуйи суд қарори ҳақида юқори судга берилган шикоят).

**Археология — Археология** (юнонча *archaios* — қадимий — *logos* — тушунча, таълимот). Бу атамани қадимшунослик деб қўллаш археология сўзи англатган, яъни моддий бойликлар асосида инсоният жамиятининг тарихий ўтмишини ўрганадиган фан маъносини бера олмайди.

**Архив — Архив** (юнонча *archeion* — хизмат жойи). Бу атамани хужжатхона, хужжатасров тарзида ишлатиш архив англатган маънони бера олмайди.

**Аттестация — Аттестация** (лотинча *attestatio* — гувоҳнома). Уни малака — синов тарзида қўллаш нотўғри. Чунки аттестацияда фақат малака синалмайди, балки унинг билим даражаси, хулқи ҳақида ҳам мулоҳаза юритилади.

**Аудитор — Аудитор** (лотинча *auditor* — тингловчи). Бу термининг тафтишчи деб берилиши тўғри эмас. Чунки аудитор хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини мустақил равишда экспертиза ва таҳлил қилади.

**База — 1. База** (юнонча *basis* — асос).

2. **Омбор** (мол-товар олиб-бериб туриладиган жой).

**Баланс — 1. Баланс** (французча *balance* — тарози). Масалан, бухгалтерлик баланси. 2. **Мувозанат. Масалан, кучлар мувозанати.**

**Банкротство — Банкротлик** (итальянча *bancarotta* — синиқ ўриндиқ). Бу терминни «синиш», «касода учраш» тарзида қўллаш унинг тўла маъносини бера олмайди.

**Бизнес — Бизнес** (инглизча *business* — машғулот; савдо корхонаси). Мазкур терминни «ишбилармонлик», «тадбиркорлик» деб қўллаш нотўғри.

**Бизнесмен — Бизнесчи.**

**Билет — 1. Чипта.** Масалан, автобус чиптаси. «Чипта» сўзи баъзан «патта» деб нотўғри ишлатилмоқда.

2. **Билет** (лотинча *bulla* — хатча).

**Биржа — Биржа** (лотинча *bursa* — ҳамён, кармон). Айрим газета-журналларда унинг «тижоратгоҳ» шаклида берилиши нотўғри.

**Блок — 1. Блок** (французча *bloc*, инглизча *block* — битим, келишув; бўлак, парча).

2. **Иттифоқ.** — Бу атаманинг аслида иккита маъноси мавжуд.

**Брокер — Брокер** (инглизча broker — синдирувчи). Унинг «дал-  
лол», «воситачи» деб берилиши нотўғри.

**Бухгалтер — Бухгалтер** (немисча Buch — китоб + halter —  
сақловчи, асровчи). Бу атамани «ҳисобчи» деб бериш но-  
тўғри. «Ҳисобчи» русчадаги «счётовод», «учётчик» сўзла-  
рига тўғри келади.

**Бухгалтерия — Бухгалтерия.** Уни «ҳисобхона» сўзи орқали  
ифодалаш тўғри бўлмайди.

**Бюллетень — 1. Бюллетень** (французча bulletin — кичик ёрлик,  
эълон). Масалан, сайлов бюллетени.

2. Ахборот (расмий ҳужжатлар нашри).

3. Варақа (меҳнатга лаёқатсизлик варақаси).

**Бюрократизм — Бюрократлик** (французча bureau — муассаса +  
юнонча kratos — ҳокимият), расмиятчилик. Бюрократизм  
ўзбек тилида **бюрократлик, расмиятчилик** тарзида икки  
муқобилда ишлатилмоқда.

**Вакансия — Бўш ўрин.**

**Валюта — Валюта** (итальянча valuta — қиймат, баҳо). Бу атама  
баъзан «хорижий пул», «четпул» деб хато ишлатилмоқда.

**Визит — Ташриф.**

**Ветеран — Фахрий.**

**Вокзал — Вокзал** (инглизча Vauxhall — Вокс зали (Лондон  
яқинида Жейн хоним Вокс қурдирган кошона зал номи-  
дан). Вокзал йўловчилар ва транспортга хизмат кўрсатиш  
учун мўлжалланган бинолар, иншоотлар мажмуаси бўлиб,  
уни «шоҳбекат» ёки баъзи олимлар тавсия этганидек  
«қаторсарой» деб қўллаш тўғри эмас.

**Врач — Врач** (русча сўз). Бу атамани баъзилар шифокор, ҳақим  
сўзи билан алмаштириб қўллайдилар. Бироқ шифокор  
умумий маънога эга. Масалан, ҳамшира ҳам шифокор.  
Врач сўзи ўзбек тилида санитария врач, ветеринария  
врачи (ветврач) каби бирикмаларда ҳам қўлланиб келади.  
Бундай ҳолларда санитария ҳақими, ветеринария ҳақи-  
ми деб бўлмайди.

**Газета — Газета** (итальянча gazzetta — чақа, танга) «газета»  
сўзининг «рўзнома» деб қўлланиши нотўғри.

**Гарант — Кафил.**

**Гарантия — Кафолат.**

**География — География** (юнонча *ge* — Ер — *grapho* — ёзаман). Баъзи мутахассисларнинг бу терминни «жўрофия» сўзи билан алмаштириш ҳақидаги фикрлари ўзини оқламайди. Чунки «гео» элементи билан юзлаб терминлар ясалади (геология, геодезия ва ҳоказолар).

**Гимн — Мадҳия.**

**Глобус — Глобус** (лотинча *globus* — шар). Бу терминнинг баъзан «курраи мужассама» деб қўлланиши у англатган маънони ифодалай олмайди.

**Градус — Даража.**

**Гражданин — Фуқаро.**

**Гуманизм — Инсонпарварлик.**

**Декларация — Баёнот**, декларация (лотинча *declaratio* — баён қилиш, эълон қилиш). Бу термин 2 маънода қўлланади: баёнот (давлат, ҳукумат номидан баёнот); декларация (солиққа тортиладиган даромад миқдори ҳақидаги ҳужжат ва бошхонага тақдим этиладиган ҳужжат).

**Делегат — Вакил**, делегат (лотинча *delegatus* — юборилган, элчи). Бу атама ҳам 2 шаклда ишлатилади.

**Депутат — Депутат** (лотинча *deputatus* — вакил этилган). Бу атаманинг ноиб деб ишлатилиши тўғри эмас. Ноиб ёрдамчи, ўринбосар маъносини билдиради.

**Дефицит — Тақчиллик.**

**Диалог — Мулоқот.**

**Диктор — Диктор** (лотинча *dictor* — сўзловчи). Бу сўз эфирга узатилаётган матнни ўқийдиган ходим маъносида ишлатилади. Кейинги вақтларда «сухандон» сўзи диктор атамасига муқобил тарзида ишлатилмоқда. Бироқ форсча-тожикча «сухандон» сўзи бошқа маъно, яъни гапга чечан, нотик маъносини англатади.

**Директор — Директор** (лотинча *director* — йўналтирмақ). Бу термин ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларида раҳбар сўзи билан алмаштириб ишлатилмоқда. Бироқ раҳбар атамаси умумий ном. Ҳар бир лавозимнинг ўз атамаси бор. Шу жумладан, директорлик лавозимини директор деб ёзиш ва айтиш даркор (мактаб директори, завод директори).

**Документ — Ҳужжат.**

**Журнал** — **Журнал** (французча journal — кундалик дафтар). Бу атаманинг ойнома, мажалла шаклидаги қўлланилиши журнал сўзи англатган маънони бера олмайди. Бундан ташқари, журнал сўзидан ясалган журналхон, журналист сўзларини эса ойномахон, мажалист деб бўлмайди.

**Заказ — Буюртма.**

**Инспектор — Назоратчи**, инспектор (лотинча inspector — кузатувчи, назоратчи). Бу термин 2 шаклда қўлланмоқда.

**Инспекция — Назорат**, инспекция (лотинча inspectio — кузатиш, назорат). Бу термин ҳам 2 шаклда қўлланмоқда. Масалан, Давлат автомобиль назорати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги инспекция.

**Институт — Институт** (лотинча institutum — тузиш, ўрнатиш, муассаса). Ҳозирги вақтда бу сўз олийгоҳ тарзида нотўғри қўлланмоқда. Олийгоҳ — олий жой деган маънони билдиради. Шунингдек, институтни илмгоҳ, билимгоҳ тарзида қўллаш ҳам тўғри эмас.

**Инфраструктура — Инфраструктура** (лотинча infra — тагида, остида, structura — тузилиш, ўзаро мойиллик). Бу атаманинг ўзбек тилида инфратузилма шаклида қўлланиши ҳам бор.

**Кадр — Кадр** (французча cadre — шахсий таркиб). Бу атамани ходим сўзи билан алмаштириш нотўғри. Кадрлар бўлими, кадрлар бўйича ўринбосари тарзида қўлланиши тўғри бўлади.

**Канцелярия — Девонхона.**

**Капитал — Сармоя**, капитал (лотинча capitalis — бош). Бу термин 2 маънода қўлланилади: 1) сармоя; 2) капитал. Масалан, капитал қурилиш.

**Категория — Тоифа.**

**Кафедра — Кафедра** (يونونча kathedra — стул, ўриндиқ). Бу терминни «минбаргоҳ», «таҳсилгоҳ» сўзлари билан қўллаш нотўғри.

**Квалификация — Ихтисос**, малака, квалификация (лотинча gualis — қандай, қандай сифатда — facere — қилмоқ). Бу термин 2 маънода қўлланилади: 1) ихтисос, малака; 2) квалификация (жиноят ва фуқаролик ишларининг тергов ва суд органларида квалификация қилиниши).



**Классификация — Тасниф.**

**Кодекс — Кодекс** (лотинча *codex* — китоб.) Қонунлар тўпламини англатадиган бу терминни, баъзи олимлар тавсия этганидек, «тузук» сўзи билан алмаштириб бўлмайди.

**Коллегия — Ҳайъат**, коллегия (лотинча *collegium*). Масалан, суд ҳайъати бор, суд коллегияси бор.

**Компенсация — Компенсация** (лотинча *compensatio* — ўрнини тўлдириш, қопламоқ). «Товон», «тўлов» сўзлари бу терминнинг тўла маъносини бера олмайди.

**Конкуренция — Рақобат.**

**Конкурс — Танлов.**

**Коррупция — Коррупция** (лотинча *corruptio* — сотиб олиш). Бу термин баъзан «порахўрлик» деб берилади. У порахўрликдан ташқари, мансабни суиистеъмол қилишни ҳам англатади.

**Критерий — Мезон.**

**Лицензия — Лицензия** (лотинча *licentia* — ҳуқуқ, рухсат). Бу термин баъзан рухсатнома тарзида ишлатилмоқда, лекин у лицензия терминининг маъносини тўлиқ ифода эта олмайди.

**Лаборатория — Лаборатория** (лот. *laboratorium* — ишхона, *laborare* — ишламоқ). Бу терминнинг тажрибахона тарзида қўлланилиши нотўғри.

**Лауреат — Лауреат**, совриндор (лотинча *laureatus* — лавр билан тақдирланган). Ҳозирда бу иккала термин ҳам ишлатилмоқда.

**Магнит — Магнит** (юнонча *Magnetis lithos* — Магнесия (Фессалиядаги вилоят) тоши. Бу терминни, баъзи олимлар тавсия қилганидек, «оҳанграбо» деб қўлланиши у англатган маънони ифодамай олмайди.

**Маклер — Даллол.**

**Маршрут — Маршрут** (немисча *marschrute*, французча *marche* — юриш, олдинга ҳаракат қилиш — *route* — йўл). Бу терминнинг «маъбар», «йўналиш» деб қўлланилиши у англатган маънони ифодамай олмайди.

**Масштаб — Масштаб** (немисча *maßstab* — ўлчов таёқ). Бу атамани географик карталарда «миқёс, «кўлам» сўзлари билан алмаштириб бўлмайди. Бироқ иш кўлами, кенг миқёс-

ли каби қўлланишларда кўлам, миқёс сўзлари масштаб ўрнида ишлатилиши маъқул.

**Математика — Математика** (юнонча *mathematike* — илм, фан), риёзиёт. Илмий адабиёт ва дарсликларда «математика» тарзида қўлланади. Риёзиёт тарихан қўлланиши.

**Материал — Материал** (лотинча *materialis* — ашёвий, моддий). Бу термин 2 маънода қўлланилади: 1) асос ёки далил бўлиб хизмат қиладиган маълумот, хабар, манба; 2) моддий (сифат). Масалан, моддий бойликлар.

**Мебель — Мебель** (французча *meuble* — қимматбаҳо мол-мулк). Бу сўзнинг «уй жиҳози» деб қўлланиши нотўғри.

**Медаль — Медаль** (лотинча *metallum* — металл танга). Бу атаманинг «нишон» тарзида ишлатилиши нотўғри.

**Мелиорация — Мелиорация** (лотинча *melioratio* — яхшилаш). Бу терминни «ер таркибини яхшилаш» ибораси билан алмаштириш ҳақидаги тавсия у англатган маънони бермайди.

**Меридиан — Меридиан** (лотинча *meridianus* — туш пайти). Бу терминнинг баъзан «туш чизиғи» деб қўлланиши у англатган маънони ифодамай олмайди.

**Методика — Методика** (юнонча *methodos* — тадқиқот, таълимот). Бу термин кўпинча «услугият» тарзида нотўғри қўлланади. Услугият — стилистика. Методика эса педагогика фанининг ўқитиш қоидалари ва методлари ҳақидаги бўлими. Демак, «услугият» сўзининг методикага ҳеч қандай алоқаси йўқ.

**Методист — Методист** (юнонча *methodos* қ. методика). Бу сўз педагогика соҳасида ва оммавий ахборот воситаларида «услугичи» деб нотўғри ишлатилмоқда. Услуг — стиль демакдир. Методист эса методика мутахассиси. Шунинг учун «методист» тарзида ишлатилиши лозим.

**Микрофон — Микрофон** (юнонча *mikros* — кичик + *phone* — овоз). Бу атаманинг «ун олгич» тарзида ишлатилиши нотўғри.

**Милиция — Милиция** (лотинча *militia* кўшин, лашкар). Бу атаманинг «миршаб» деб қўлланиши нотўғри.

**Накладная — Юкхат.**

**Наркотик — Наркотик** (юнонча *narcotikos* — гангитадиган, айнитадиган (гиёҳвандлик). Ўсимликлардан олинадиган ва сунъий тайёрланадиган наркотик моддалар мавжудлигини

ҳисобга олиб, уларни гиёҳвандлик моддалари эмас, балки наркотик моддалар деб аташ маъқул.

**Норма — Норма** (лотинча norma — бурчак ўлчагич; ўлчов), меъёр. Ҳозирги пайтда тилимизда бу иккала сўз ҳам ишлатилмоқда.

**Норматив — Норматив** (лотинча normatio — тартибга солиш), меъёрий. Бу атама ҳам 2 шаклда: «норматив» ва «меъёрий» тарзида қўлланилмоқда.

**Нотариус — Нотариус** (лотинча notarius — котиб). Айрим ўринларда уни «нусхакаш» деб нотўғри қўлланмоқда.

**Область — 1. Вилоят.**

2. Соҳа. Бу атама икки маънода қўлланмоқда.

**Оборот — Айланма.**

**Оператив — Тезкор.**

**Орден — Орден** (лотинча ordo (ordinis) — қатор, даража). Бу атаманинг «нишон» деб берилиши нотўғри.


**Отпуск — Таътил.**

**Офицер — Офицер** (лотинча officarius < officium — лавозим, хизмат). Бу атаманинг «зобит» шаклида қўлланилиши ҳам учрайди. Лекин у «офицер» сўзининг маъносини бера олмайди.

**Партия — Партия** (лотинча pars (partis) — қисм, гуруҳ). Бу атама кўп маъноли. Унинг бир маъноси партия (тарихан «фирқа») — ғоявий жиҳатдан маслақдош, манфаатлари муштарак, муайян ишни амалга ошириш йўлида бирлашган кишилар гуруҳини англатади. Бундан ташқари, у «товар партияси», «шахмат партияси» каби бошқа маъноларда ҳам ишлатилади.

**Патент — Патент** (лотинча patens (patentis) — аниқ, очиқ). Бу атамани «рухсатнома» билан алмаштириш тўғри эмас. «Патент» асосан кишининг бирор нарсага бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди.

**Пенсионер — Пенсионер** (лотинча pensio — тўлов). Бу атама кўп ҳолларда «нафақахўр», айрим ўринларда «пенсияхўр» шаклида нотўғри қўлланмоқда. Маълумки, «хўр» қўшимчаси кўпинча салбий маъноли сўзларни ясайди. (Масалан, «порахўр», «арақхўр»). Нафақахўр, пенсияхўр сўзларининг қўлланилиши пенсионерларнинг иззат-нафсига тегмоқда.



**Пенсия** — **Пенсия** (лотинча pensio — тўлов). Бу атаманинг «нафақа» деб ишлатилиши нотўғри. «Нафақа» сўзи русча «пособие»га тўғри келади. «Пенсия» эса инсоннинг узок йиллар давомида қилган меҳнати эвазига тўланадиган ҳақдир.

**План** — **1. Режа.**

**2. Тарҳ.**

Мазкур атама икки маънода қўлланмоқда.

**Подряд** — **Пудрат.**

**Пособие** — **Нафақа.**

**Практика** — **Амалиёт, тажриба.**

**Прейскурант** — **Нархнома.**

**Приватизация** — **Хусусийлаштириш.**

**Программа** — **Дастур.**

**Прокурор** — **Прокурор** (лотинча procurator — ғамхўрлик қилиш).

Бу атаманинг «қораловчи» ёки баъзи бир олимлар таклиф қилганидек, «муддаи умумий» деб қўлланилиши нотўғри.

**Протокол** — **Баённома**, протокол (юнонча protokollon, биринчи (варақ), protos биринчи + kollao — елимлайман).

Бу атама икки маъноли: 1) баённома — бирон ҳолатни қайд этадиган расмий ҳужжат (масалан, мажлис баённомаси); 2) протокол — халқаро ҳуқуқда шартнома протоколи, дипломатик протоколлар мавжуд.

**Процент** — **Фоиз.**

**Процесс** — **Жараён**, процесс (лотинча processis — силжитиш).

Бу атама икки шаклда қўлланилади: 1) ҳодисалар ҳолати, тараққиёт босқичлари ва бошқаларнинг изчил алмашиб туриши — жараён; 2) суд иши, тергов, маъмурий ва суд органлари фаолиятида — процесс деб ишлатилади.

**Путёвка** — **Йўлланма.**

**Разведка** — **Разведка** (русча), қидириш. Бу термин 2 маънода ишлатилади: 1) разведка — ҳарбий соҳада душман ҳолати ва вазиятини аниқлаш; 2) қидириш — геологияда: кон қидириш ишлари.

**Район** — **Туман.**

**Рапорт** — **Билдирги**, рапорт (французча rapport < rapporter — олиб келиш, олиб бориш, қайтариб келиш). 1) билдирги — топшириқ ёки мажбуриятни бажарганлик ҳақидаги маълумот.

2) рапорт — ҳарбий соҳада. Ҳарбий хизматчининг бошлиқларга ҳисоботи.

**Ратификация — Ратификация** (лотинча *ratus* — ҳал қилинган, тасдиқланган, *facere* — қилмоқ), тасдиқлаш. Бу атама ҳозирги вақтда «ратификация» ва «тасдиқлаш» тарзида ишлатилмоқда.

**Реабилитация — Реабилитация** (лотинча *rehabilitatio* — тиклаш), оқлаш. Ҳозирги вақтда «реабилитация» сўзи билан бир қаторда «оқлаш», «тиклаш» сўзлари ҳам ишлатилмоқда.

**Реанимация — Реанимация** (лотинча *reanimatio* — жонлантириш). Бу терминнинг баъзан «тирилтириш», «ўлганларни тирилтириш хонаси» каби қўлланиши нотўғри.

**Ревизия — Тафтиш.**

**Регламент — Тартиб, регламент** (французча *reglement* — тартиб, қоида). 1) тартиб: мажлис, конференция, кенгашларни олиб бориш тартиби. 2) регламент: халқаро конгресслар ва конференцияларнинг айрим ҳужжатлари номи.

**Редактор — Муҳаррир.**

**Редакция — Таҳририят.**

**Реестр — Рўйхат, реестр** (полякча *rejestr*, лотинча *registrum* — рўйхат).

Бу атама 2 вариантда ишлатилмоқда: 1) рўйхат: иш ҳужжатлари, мол-мулк ва бошқалар рўйхати; 2) реестр: шу ҳужжатлар қайд қилинадиган дафтар.

**Резерв — Заҳира, резерв** (лотинча *reservare* — сақлаш, асраш). Кейинги вақтларда «резерв» сўзи ўрнида ҳам асосан «заҳира» сўзи ишлатилмоқда.

**Резолюция — Резолюция** (лотинча *resolutio* — қарор), қарор. Бу термин 2 шаклда қўлланилмоқда: 1) қарор: мажлис, кенгаш ва шу кабиларда қабул қилинган ҳужжат; 2) резолюция: раҳбарнинг расмий ҳужжатдаги ёзуви.

**Рекомендация — Тавсиянома.**

**Репрессия — Қатағон, қувғин.**

**Республика — Республика** (лотинча *res* — мулк, *publica* — ижтимоий давлат). Бу терминнинг тарихан «жумҳурият» деб қўлланиши ҳам мавжуд.

**Реформа — Ислоҳот.**

**Самолёт** — **Самолёт** (русча сам — ўзи, летать — учмоқ). Бу терминнинг «тайёра» деб ишлатилиши нотўғри. Шунингдек, дастлабки пайтларда «учоқ» деб аташ керак, деган тавсия ҳам оммалашмади.

**Санаторий** — **Санаторий** (лотинча sanare — даволаш, тузатиш). Бу терминнинг «сиҳаттоҳ» деб қўлланилиши унинг тўлиқ маъносини бера олмайди.

**Санация** — **Санация** (лотинча sanatio — даволаш, соғломлаштириш). Корхоналарнинг банкрот бўлиши олдини олиш ёки рақобат қувватини ошириш учун кўриладиган тадбирлар мажмуи. Бу термин баъзан «соғломлаштириш» сўзи билан ишлатилади. Бироқ у «санация» маъносини бера олмайди.

**Система** — **Тизим**, система (юнонча systema — қисмлардан иборат (бутунлик), қўшилма). Бу термин 2 шаклда қўлланмоқда. «Система» сўзи аслида кўп маъноли. Шунинг учун у англаган айрим маъноларни «tizim» деб бериш керак. Масалан, вазирлик тизими. Бироқ айрим ўринларда «система» сўзини ишлатиш тўғри бўлади. Масалан, машиналар системаси.

**Состав** — **Таркиб**, состав (русча). Бу атама 2 шаклда ишлатилади. Ҳозирги вақтда «состав» ўрнида асосан «таркиб» сўзи қўлланмоқда. Масалан, шахсий таркиб, органик бирикмалар таркиби. Бироқ айрим ўринларда «состав» сўзи ҳам ишлатилади. Масалан, ҳаракатланувчи состав ёки ҳаракатдаги состав (темир йўл соҳасида). Юридик термин сифатида фақат битта ҳолатда «состав» сўзи «ҳайъат» деб ишлатилади (суд ҳайъати).

**Социал** — **Ижтимоий**.

**Справка** — **Маълумотнома**.

**Союз** — **Уюшма** (масалан, Ёзувчилар уюшмаси), иттифоқ.

**Стадион** — **Стадион** (юнонча stadion — мусобақалар ўтказиладиган жой). Бу атаманинг «ўйингоҳ» тарзида ишлатилиши «стадион» маъносини тўла бера олмайди.

**Стандарт** — **Андоза**, **стандарт** (инглизча standard — ўлчов, андоза). Бу термин 2 маънода қўлланилади: Андоза: ўхшаш объектларни таққослаш учун асос қилиб олинadиган намуна. Стандарт: ваколатли органлар томонидан тасдиқланган норматив-техник ҳужжат.

**Статус** — **Мақом**.

- Стиль** — Услуг. «Метод» ўрнида «услуг» деб ишлатиш ёки «методист» ўрнида «услугчи» деб ишлатиш нотўғри.
- Стилистика** — Услужият. «Методика»ни «услужият» деб қўллаш нотўғри.
- Страхование** — Сугурта.
- Структура** — Тузилиш, структура (лотинча *structura* — тузилиш). Бу атама ҳам 2 шаклда қўлланмоқда. Геология соҳасида кўпроқ «структура» сўзи қўлланади. Масалан, нефть-газ структураси каби.
- Телевидение** — Телевидение (юнонча *tele* — узоқ, йироқ + лотинча *video* — кўраяпман). Бу атамани «ойнаи жаҳон» деб бадий тарзда қўллаш ҳам учрайди.
- Телеграмма** — Телеграмма (юнонча *tele* — узоқ, йироқ, *gramma* — ёзув белгиси). Бу терминнинг «шошилинонома» деб қўлланиши унинг маъносини бера олмайди..
- Термин** — Атама, термин (лотинча *terminus* — чегара). Бу сўз ўзбек тилида икки шаклда қўлланмоқда. Кейинги вақтларда «атама» сўзи «термин»га синоним сифатида ишлатилмоқда. Бироқ бу икки сўзнинг бир-биридан фарқи бор: **Атама** — бу сўзнинг маъноси кенг, яъни у жой номларини ҳам, халқ, қабила номларини ҳам, киши исмларини ҳам ўз ичига олади. **Термин** — фан-техника, касб-хунарнинг бирор соҳасига хос муайян тушунчани ифодалайди. Шу сабабли фан соҳалари мутахассислари тушунчани ифодалашда асосан «термин» сўзини қўллайдилар.
- Транспорт** — Транспорт (лотинча *transportare* — кўчирмоқ, ташимоқ). Бу терминнинг «нақлиёт» деб ишлатилиши нотўғри.
- Талант** — Истеъдод.
- Таможня** — Божхона.
- Текст** — Матн.
- Тема** — Мавзу.
- Территория** — Худуд.
- Традиция** — Анъана.
- Университет** — Университет (немисча *Universitat*, лотинча *universitas (universitatis)* — жами, мажмуи). Бу термин тарихан дорилфунун тарзида қўлланган. Бироқ у университет маъносини тўлиқ ифода этолмайди.

**Устав** — Устав. Бу термин кўп ҳолларда низом тарзида бериллади. Бироқ низом русчадаги «положение» сўзига тўғри келади.

**Фактор** — Омил.

**Факультет** — Факультет (немисча Fakultat < лотинча facultas (facultatis) — қобилият, имконият). Бу терминни куллиёт тарзида нотўғри ишлатишади. Ўзбек тилида куллиёт сўзи «асарлар тўшлами» маъносидагина қўлланади.

**Фамилия** — Фамилия. Уни насаб деб қўллаш нотўғри.

**Фонд** — Жамғарма, фонд. Ҳозирги пайтда ҳар иккала атама ҳам қўлланмоқда.

**Характеристика** — Тавсифнома.

**Штамп** — Штамп (немисча Stampfe < италянча stampa — муҳр). Бу терминни тўртбурчакли муҳр деб қўллаш унинг маъносини беролмайди.



## ХОТИМА ЎРНИДА

Шундай қилиб, Республика Атамашунослик қўмитаси «Ўзбекистон овози» газетаси раҳбариятининг илтифоти билан Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича ва Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси тасдиғидан ўтган ўзлашма атамалар рўйхатини эълон қилди. Бундан мақсад, атамаларни қўллашда йўл қўйилаётган чалкашлик ва ҳар хилликларга барҳам бериш ва шу йўл билан оммавий ахборот воситаларида, расмий ҳужжатларда рўй бериши мумкин бўлган ҳар хилликларни тартибга солишдир. Она тилимизга Давлат тили мақоми берилгандан кейин ўтган ўн йил шуни кўрсатдики, кўп йиллар давомида тилимизга кириб келган ўзлашма терминлар авваламбор замон талаби, қолаверса, иқтисодий жараён, фан ва техника тараққиёти тақозо этган заруратдир. Модомики, мустақилликка эришган давлатимиз жаҳондаги энг илғор мамлакатлар билан мулоқотга киришган экан, бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Шундай экан, тилимизда ўзлашма атамалар бўлган ва бундан кейин ҳам бўлаверади. Бинобарин, бутун жаҳон фойдаланаётган бундай ўзлашма атамалар ўрнига ноилмий асосда чалакам-чатти муқобиллар излаш ёки бу муқобил сўзларни фақат араб ва форс сўзларидан олишга интилиш бесамар ҳаракатдир. Эълон қилинган рўйхатдан кўриниб турибдики, Вазирлар Маҳкамаси комиссияси ва Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси тасдиғидан ўтган бу ўзлашма атамалар ижтимоий фанларнинг ҳар бир соҳасида 400-500 дан ошмайди. Демокчимизки, жаҳон тилларидан муҳим ўрин олган бу ўзлашма сўзлар луғавий бойлиги салкам 100 минг сўзга эга бўлган бой ва севимли она тилимизга путур етказа олмайди. Шунга қарамасдан, баъзи оммавий ахборот воситалари бу ишда ҳануз чалкашлик ва ҳар хилликларга йўл қўймоқда. Қўмита яна бир бор оммавий ахборот воситалари ходимларидан эълон қилинган тавсияларга риоя қилишларини илтимос қилади.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси.*

Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

*Адабий-бадиий нашр*

**ТИЛ — ДАРЁ**

Рассом *А. Бобров*

Расмлар муҳаррири *Т. Герасимова*

Техн. муҳаррир *У. Ким*

Мусахҳиҳ *М. Насриддинова*

ИБ №3745

Босмахонага 13.09.99 да берилди. Босишга 24.09.99 да рухсат этилди.  
Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. “Таймс” гарнитура. Офсет босма. Шартли босма  
тобоқ 1,26. Нашр босма тобоғи 1,1. Жами 5000 нухса.  
1029 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
71-99 рақамли шартнома.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг Фафур Гулом  
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент,  
Навобий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг  
1-босмахонасида босилди. 700002. Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк  
кўча, 2-уй.



